Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 16 ФЕВРАЛЬ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 33 (13.096)

Баҳоси эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАДАЛ ТАРАҚҚИЁТИ ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТЛАР НИГОҲИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси жаҳон ҳамжамиятида ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур маърузасида ўз ифодасини топган асосий жиҳатлар хорижий мамлакатларнинг эксперт доиралари вакиллари томонидан атрофлича муҳокама этилиб, шарҳланаётгани бунинг тасдиғидир.

Урбан РУСНАК,
Европа Энергетика Хартияси бош котиби:

— Ўзбекистон раҳбарининг мазкур чиқиши давлатнинг ўтган йилги иқтисодий стратегиясини ҳаётга татбиқ этиш натижалари таҳлилини ўзида ифодалаган. Шундан келиб чиқиб, мамлакатингизда қулай сармоявий муҳитни яратиш бўйича олиб борилаётган ишлар таҳсинга лойиқ. Давлат мулкини хусусийлаштириш, хорижий капитални жалб этиш учун шароитлар яратиш, хусусий мулк ҳимоясини кафолатлаш ҳамда суд-ҳуқуқ йўналишидаги ислоҳотлар Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳити янада яхшиланишига туртки бераяпти.

Стив ТРУПИН,
Маъмурий фанлар халқаро институтининг (Бельгия) стратегик лойиҳалар бўйича эксперти:

– Президент Ислом Каримов ўз маърузасида корпоратив бошқарув тизимидаги принцип ва ёндашувларни тубдан ўзгартириш, унинг ҳақиқий бозор хусусиятларига эга бўлишини таъминлаш юзасидан амалга оширилган кенг қамровли ишларга алоҳида урғу берган.

Республикада корпоратив бошқарув соҳасидаги илғор халқаро тажриба доимий равишда ўрганилаётгани, унинг энг яхши жиҳатлари амалиётда кенг қўлланилаётгани алоҳида эътиборга сазовордир. Акциядорлик жамиятларининг раҳбарлик лавозимларига замонавий билимларга эга, корпоратив бошқарувнинг илғор усулларини ўзлаштирган ёшлар келаётир. Бу, ўз навбатида, кўпгина корхоналар фаолиятига туртки бериши баробарида, дунёдаги қатор давлатларда глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий таъсири кузатилаётганига қарамасдан, Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлайди.

Германияда жойлашган Европа менежмент ва технологиялар мактабининг фаол иштирокида акциядорлик жамиятларининг раҳбар ходим ҳамда мутахассисларини тизимли асосда тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш, уларнинг замонавий корпоратив бошқарув усулларини эгаллашини таъминлаш мақсадида республикада Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази ташкил қилингани Ўзбекистоннинг соҳа кадрларини тайёрлаш масаласига катта эътибор қаратаётганидан далолат беради.

Анна КУАДФЛИЕГ,
Немис тили ҳамжамияти (Бельгия)нинг Халқаро алоқалар департаменти бошлиғи:

– Таълим тизимини такомиллаштириш Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Зеро, ўқув-тарбия ишлари самарадорлиги кўп жиҳатдан яратилган шарт-шароитларга боғлиқдир. Бу, ўз-ўзидан аёнки, мактаб бинолари замонавийлиги, синфларнинг жиҳозланиши, ўқувчи ва ўқитувчилар имкониятларини оширишни талаб этади. Шу нуқтаи назардан қараганда, республикада янги ўқув муассасаларининг барпо қилинаётгани, мавжудлари эса замон талабларига мос равишда таъмирланаётгани, ҳар йили давлат бюджетидан ялпи ички маҳсулотнинг 10 — 12 фоизи ушбу соҳага йўналтирилаётгани эътиборга молик. Ҳолбуки жаҳон тажрибасида бу кўрсаткич 6 — 7 фоиздан ошмайди.

(Давоми 2-бетда)

Бунёдкорлик

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ТОШКЕНТ ЯНАДА ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Мамлакатимизда барча шаҳарлар комплекс режа асосида ривожлантирилиб, замонавий бино ва иншоотлар бунёд этилмоқда. Транспорт коммуникациялари аҳоли ва юртимиз меҳмонларига кенг қулайликлар яратмоқда.



Тошкент шаҳри йилдан йилга чирой очиб, миллий меъморчилик анъаналари ҳамда дунё архитектураси ютуқларини ўзида уйғунлаштирган йирик мегаполисга айланмоқда. Замонавий иншоотлар, йўл ва кўприклар, хиёбонлар, истироҳат боғлари аҳолига кенг қулайлик яратмоқда. Буюк Британиядаги нуфузли "Экономист" журнали пойтахтимизни дунёдаги яшаш учун энг қулай 140 шаҳар орасида 58-ўринга лойиқ топгани ҳам бежиз эмас.

Пойтахтимизда транспорт-коммуникация тизими изчил такомиллаштирилаётгани, халқаро талабларга мос йўл ва йўл ўтказгичлар, транспорт боғламалари қурилаётгани ҳайдовчи ва йўловчиларга қатор қулайликлар яратмоқда. Хусусан, Олмазор ва Шайхонтоҳур туманларини кесиб ўтган, Фаробий, Қорасарой, Сағбон, Себзор ва Лабзак кўчаларини ўзаро туташтирган 5,1 километр узунликдаги янги Нурафшон кўчасининг қурилиши, Абдулла Қодирий ва Лабзак кўчалари ҳамда Себзор ва Абдулла Қодирий кўчалари кесишган чорраҳаларда янги кўприклар бунёд этилгани аҳолининг узоғини яқин қилиб, вақт ва маблағини тежаш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Миллий меъморчилик ҳамда замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида бунёд этилаётган турар жойлар одамларнинг муносиб турмуш кечиришини таъминлаш баробарида пойтахтимизга янгича қиёфа бахш этмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 20 ноябрдаги Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қисмида замонавий турар жойлар барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарорига асосан Нурафшон кўчаси бўйида ўнта кўп қаватли уй-жой қурилди.

Жорий йилда ҳам Тошкент шаҳридаги йўл транспорти инфратузилмасини такомиллаштириш, пойтахт аҳли ҳамда меҳмонлари учун шарт-шароитларни янада яхшилаш, кўчалар бўйидаги бино ва иншоотларнинг меъморий қиёфасини янгилаш ишлари изчил давом эттирилмоқда.

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 5 августдаги "Тошкент шаҳрининг магистрал кўчаларини реконструкция ва модернизация қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ йўллар кенгайтирилмоқда, замонавий ёритиш тизимлари ўрнатилиб, бино ва иншоотларнинг меъморий қиёфаси янгиланмоқда, – дейди ЎзА мухбирига Мирзо Улуғбек тумани бош архитектори Отабек Имомов. – Хусусан, туманимизда 230 дан зиёд бино ва иншоот олд қисми таъмирланиб, атрофи кўкаламзорлаштирилмоқда. Маҳаллий бюджет ҳисобидан амалга оширилаётган ушбу бунёдкорлик ишлари самарасида ҳамшаҳарларимиз истиқомат қилаётган 50 дан ортиқ кўп қаватли турар жой ҳам шу усулда таъмирланиб, замонавий тус олмоқда.

– Халқимизда тўй-маърака олдидан ҳовли-жойини тартибга келтириш яхши анъанага айланган, – дейди Мирзо Улуғбек тумани Аҳмад Яссавий номидаги маҳалла фаоли Абдулла Ҳасанов. – Бугун пойтахтимизда амалга оширилаётган бунёдкорликларда ҳам халқимизга хос анъаналар юксак инъикосини топмоқда. Бундан кўпчилик пойтахт аҳли қаторида биз ҳам баҳра олиб, маҳалламиздаги бино ва иншоотлар янада замонавий тус олмоқда, нафақат транспорт, балки пиёдалар ҳаракатланиши учун қўшимча қулайликлар яратилмоқда.

Бундай улкан ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари пойтахтимиз қиёфасини янада янгилаб, мамлакатимиз ривожини бутун дунёга намоён этади.

Беҳзод БОЗОРОВ

ФАОЛ ҲАМКОРЛИКНИНГ АМАЛИЙ САМАРАСИ

Корея Республикаси Ўзбекистоннинг стратегик шерикларидан бири. Мамлакатларимиз ўртасида ўзаро ҳурматга асосланган дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари яхши йўлга қўйилган. Бу икки давлат Президентларининг доимийлик касб этган мулоқотлари самарасида янги мазмун билан бойиб бормоқда.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга давлат ва жамоат ташкилотлари салмоқли ҳисса қўшмоқда. Корея Республикаси халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантиришда мамлакатимиздаги қатор вазирлик ва идоралар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келаётир.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан ўтказилган пресс-турда журналистлар мазкур вазирлик ҳамда KOICA билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида ташкил этилган Касб-ҳунарга ўқитиш маркази фаолияти билан таништирилди.

Замонавий асбоб-ускуна тақдим этиш, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, Жанубий кореялик мутахассисларни юртимизга жалб этиш ушбу агентлик билан амалга оширилаётган ҳамкорликнинг асосий йўналишларидир. Йигирма йил мобайнида соғлиқни сақлаш, таълим, ахборот технологиялари, коммунал хўжалиги, қишлоқ ва сув хўжалиги, энергетика каби соҳаларда қарийб 80 миллион доллар миқдоридаги 24 лойиҳа бажарилди.

2012 йилдан буён фаолият юритаётган Касб-ҳунарга ўқитиш марказида туман ва шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари йўлланмалари бўйича ҳар йили етти юзга яқин йигит-қиз бепул ўқитилмоқда. Машинасозлик ишлаб чиқариши ва технологиялари, электроника ва электротехника, автомобилларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш, ахборот технологиялари ва тизимлари каби муҳим йўналишларда кадрлар қайта тайёрланмоқда. Улар бу ерда зарур касбини эгаллагач, мамлакатимиздаги етакчи корхоналарда доимий иш билан таъминланаётир. 2012 йилдан буён мазкур марказни 1500 дан зиёд ёш битирди. Уларнинг барчаси уч томонлама шартнома асосида иш билан таъминланди.

Марказ директори Равшан Иброҳимовнинг айтишича, битирувчилар "Ўзавтосаноат", "Ўзэлтехсаноат", "Ўзтелеком", "Тошавтотеххизмат", "GM Powertrain Uzbekistan", "Ўзагромашсервис", "Тошкент труба заводи", "Қуювмеханика заводи", "Ўзбекистон металлургия комбинати", "Ўзэлектроаппарат-Электрошит" каби компания ва корхоналарда фаолият юритмоқда. Айни пайтда Самарқанд, Шаҳрисабз, Қўқон ва Урганч шаҳарларида ҳам бундай марказларни ташкил этиш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда.

– 2013 йилда мазкур марказни муваффақиятли битирдим, – дейди Умид Комилов. – Уч томонлама шартнома асосида "GM Powertrain Uzbekistan" қўшма корхонасига ишга жойлашдим. Марказда олган билимларим меҳнат фаолиятимда қўл келмоқда.

Таълим муассасасида ўқиш муддати 10 ой бўлиб, ўқув дастури ва жараёнида назария учун умумий вақтнинг 35 фоизи, қолган қисми корхоналарда амалиёт ўташ учун ажратилган. Кейинчалик мазкур корхоналар олдиндан тузилган шартномага мувофиқ ўқувчиларни иш билан таъминлайди. Имтиҳонларни муваффақиятли топширган битирувчиларга таълим йўналиши ва ихтисослиги кўрсатилган сертификат берилади.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида "Аграр соҳада хорижий инвестициялар – барқарор ривожланиш омили" мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда қишлоқ хўжалигига замонавий суғориш технологияларини татбиқ этиш, сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштиришга йўналтирилган лойиҳалар ва уларнинг натижалари хусусида сўз юритилди.

● Қаршида фуқаролик жамиятини ривожлантиришда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтиришнинг муҳим вазифаларига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.

● Андижонда ўзбек мумтоз адабиётининг забардаст вакили, улкан шоир ва олим Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 533 йиллиги муносабати билан адабий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Андижон вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Бобур номидаги халқаро жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида бой маънавий меросимизни тиклаш, ривожлантириш ва кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

● Фарғона политехника институтида "Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари" мавзусида ўтказилган семинарда профессор-ўқитувчилар, маънавият тарғиботчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.

● "Камолот" ЁИҲ Наманган вилояти кенгаши томонидан ўтказилган семинарда ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар ва келгуси вазифалар муҳокама этилди. Наманган ёшлар марказида бўлиб ўтган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Наманган вилояти бош бошқармаси, Савдо-саноат палатаси Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси, вилоят давлат солиқ бошқармаси масъул ходимлари, "Камолот" ЁИҲ шаҳар, туман кенгашларининг тренерлари, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ҳамда журналистлар иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● Таиланддаги Noc Air авиакомпанияси 10 нафар учувчисининг иш ташлаши натижасида ҳар куни амалга ошириладиган 200 та ҳаво рейсининг тўққизтаси бекор қилинди. Учувчиларнинг иш ташлашига авиация хавфсизлигини таъминлаш учун янги стандартларни киритиш натижасида уларнинг ишдан кетиш хавфи сабаб бўлди.

● Боливияда ўтказилган карнаваль давомида тўрт кун ичида 52 киши ҳаётдан кўз юмди.

● Шимолий америкалик Жонатан Ли Ричес энг кўп судланган фуқаро сифатида Гиннеснинг рекордлар китобидан ўрин олди. У умри давомида 2600 маротаба ҳар хил сабаблар билан судга мурожаат қилган. Ўзи ҳам бир неча маротаба судланган. Ҳатто жазони ўташ жараёнида ҳам турли сабаблар билан судга арзномалар йўллаган.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАДАЛ ТАРАҚҚИЁТИ ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТЛАР НИГОҲИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Луижи ИПЕРТИ, Италиянинг "Techint Industrial Corporation Spa" компанияси ижрочи директори, "Италия – Ўзбекистон" қўшма савдо палатасининг президенти:

– Мазкур маъруза билан танишар эканман, узоқ муддатли даврга мўлжалланган мақсадлар аниқ-равшан идрок этилаётганидан, эришилган натижалар билан кифояланиб қолмасдан, истиқболга мўлжалланган янги дастурларни ҳаётга татбиқ этиш йўлидаги интилишнинг қатъийлигидан таъсирландим.

Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, қўйилган вазифаларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан бюрократик тартибларни соддалаштириш, хусусий сектор фаолиятига давлат органларининг асоссиз аралашувига йўл қўймаслик, ахборот технологияларини ривожлантириш, инновация ва таълим, хориж сармояларини жалб қилиш, кичик бизнесни кучли қўллаб-қувватлашга боғлиқдир.

Шуни ҳам қайд этиш жоизки, Ўзбекистонда аллақачон ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 56,7 фоизга етган, иш билан банд жами аҳолининг 77 фоиздан ортиғи мазкур тармоқда меҳнат қилмоқда.

Дита ЛАЦЕ, "Марта" аёллар учун ресурслар маркази (Латвия) вакили:

– Биз Ўзбекистонда аёлларнинг давлат ва жамият қурилишидаги иштирокини қўллаб-қувватлаш соҳасида олиб борилаётган улкан ишлардан ҳамда қўлга киритилаётган муваффақиятлардан яхши хабардормиз.

Мамлакатда ҳар йили ижтимоий йўналтирилган давлат дастурлари қабул қилинади. Масалан, 2016 йилнинг "Соғлом она ва бола йили", деб эълон қилингани ҳам Ўзбекистоннинг ўз халқига нисбатан алоҳида ғамхўрлигидан далолат беради.

Бу соҳада бизнинг турли ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлигимиз янада ривожланишига умид қиламиз.

Анжей КАЖДУК, "Инновация ва ривожланиш" консалтинг компанияси (Польша) президенти:

– Айни пайтда жаҳон бозорида жиддий муаммолар мавжудлигига қарамасдан, кенг кўламли, узоқни кўзлаган ислоҳотлар туфайли Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатларини ва унинг макроиқтисодий мутаносиблиги таъминланаётгани диққатга сазовордир.

Республикада ишбилармонлик фаолиятини муваффақиятли амалга ошириш учун барча шарт-шароит яратилган. Хорижлик сармоядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича имтиёз ҳамда кафолатлар тизими жорий этилган. Хусусан, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий, "Ангрен ва "Жизах" махсус индустриал зоналарида хорижлик сармоядорларга бизнес юритиш учун қулай имкониятлар етарли.

Бу ҳудудларда юқори технологияга асосланган кўплаб ишлаб чиқариш қувватлари ташкил қилингани ҳамда бундай саъй-ҳаракатлар кейинчалик ҳам изчил давом эттирилиши режалаштирилгани бунинг тасдиғидир.

Макс СЕЙ, Осиё стратегия ва етакчилик институти (Малайзия) президентининг ўринбосари:

– Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган ислоҳотлар боис иқтисодиётнинг мустаҳкам пойдевори яратилдики, натижада у жадал ривожланмоқда. Шу боис бугунги кунда республика цемент, минерал ўғитлар, пахта толаси ва бошқа кўплаб маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича Марказий Осиё минтақасида етакчи ҳисобланади.

Эришилган юқори макроиқтисодий кўрсаткичлар давлат иқтисодиётининг жаҳон молиявий инқирози салбий оқибатларига нисбатан барқарор эканлигидан далолат беради.

Шунингдек, Ўзбекистонда автомобилсозликни янада модернизациялаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳам юксак баҳога лойиқ. Бу тармоқ республика индустриясининг локомотивларидан бирига айланган, десак, асло муболаға эмас.

Юзуру МАЦУНО, "Honda" халқаро жамғармасининг бош директори (Япония):

– Ўзбекистонда турли соҳалар, шу жумладан, сайёҳлик жабҳасида олиб борилаётган изчил ва самарали ислоҳотлар ҳам ўз натижасини бермоқда. Яъни мамлакатнинг бу борадаги салоҳияти ҳамда имкониятлари ҳар қандай турист талабларига жавоб беради.

Қолаверса, юртингиз ноёб маданий ва бой маънавий меросга эга. Замонавий барча қулайликка эга меҳмонхоналар қурилмоқда, хизмат кўрсатиш даражаси юксалиб, аэропорт ва вокзаллар модернизациялаштирилаяпти. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда бўлган сайёҳларга унутилмас таассуротлар бахш этмоқда.

Абдул Рауф АЛАМ, Покистон Савдо-саноат палаталари федерацияси президенти:

– Ўзбекистон — иқтисодий барқарор давлат. Мамлакатларимиз савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича салмоқли салоҳиятга эга. Ўзбекистон билан турли жабҳада ўзаро алоқаларни чуқурлаштиришдан манфаатдормиз.

Шуни таъкидлашни истардимки, биз келгусида юртингиз ишбилармонлари билан қишлоқ хўжалиги соҳасида, хусусан, агросаноат жабҳасини модернизациялаш масаласида алоқаларимизни ривожлантириш ниятидамиз.

"Жаҳон" АА



ФАОЛ ҲАМКОРЛИКНИНГ АМАЛИЙ САМАРАСИ


Ёлқин Шамсиддинов олган суратлар

(Давоми. Боши 1-бетда)

Марказда 24 ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими устаси, шунингдек, KOICA агентлигидан 8 кўнгилли мутахассис ўқувчиларга таълим бермоқда. Вилоятлардан келган ўқувчилар учун ётоқхона мавжуд.

– Ўзбекистонда малакали кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида аҳамият берилмоқда ва бу ўз самарасини кўрсатмоқда, – дейди KOICA агентлиги мутахассиси Баак Сеунг Су. – Касб-ҳунарга ўқитиш марказида "Автомобилларга ранг бериш ва қуритиш цехи" минилойиҳасини ишлаб чиқдик. Бу лойиҳа марказ ўқувчиларининг касб маҳоратини оширишга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон ёшлари интеллектуал салоҳияти ва иқтидори билан бошқалардан ажралиб туради. Бу мамлакатингиздаги ёшларга оид давлат сиёсати самарасидир.

Айни кунда KOICAнинг қарийб етмиш кўнгиллиси юртимизда фаолият кўрсатмоқда.

KOICA билан 2015-2017 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури қиймати 58 миллион долларлик 11 лойиҳани амалга оширишни назарда тутади. Тошкент аэропортини модернизация қилиш ва янги халқаро терминал барпо этиш лойиҳасининг техник-иқтисодий асосини ишлаб чиқиш, қуриладиган IV даражали замонавий кўп тармоқли клиникалар учун юқори малакали тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва тиббий ускуналарга хизмат кўрсатиш марказларини, Хоразм ва Фарғона вилоятларида техник мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш марказларини ташкил этиш, замонавий ахборот-ресурс марказини қуриш ва жиҳозлаш, электрон ўқитиш тизимини жорий этиш ҳамда ўқув-илмий лабораторияларни жиҳозлаш орқали Тошкент ахборот технологиялари университетини ривожлантириш лойиҳалари шулар жумласидандир.

Пресс-тур давомида журналистлар марказнинг моддий-техник базаси билан танишиб, дарсларда иштирок этди. Ўқувчилар, ўқитувчилар, марказ битирувчилари ва кўнгиллилар билан суҳбатлашди.

Нодира МАНЗУРОВА, ЎзА мухбири

Бектемир тумани ҳокимининг ҚАРОРИ

БЕКТЕМИР ТУМАНИДА ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ ВА ИШ ТОПИШДА ҚИЙНАЛАЁТГАН ШАХСЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН ИШ ЎРИНЛАРИНИ 2016 ЙИЛ УЧУН БАНД ҚИЛИБ ҚЎЙИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунининг 17-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 1998 й., 5-6-сон 97-модда), Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги (янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2008 й., 7-сон 353-модда), Ўзбекистон Республикаси "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунининг 8-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2008 й., 4-сон 190-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолини бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2007 йил 6 апрелдаги ПҚ-616-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон 156-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 34-сон 333-модда, 2010 й., 13-сон 96-модда, 2011 й., 1-2-сон 4-модда, 2012 й., 44-сон 507-модда) мувофиқ ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун 2016 йилга мўлжалланган банд қилиниши керак бўлган иш ўринлари сонини ва уларга қўйиладиган талабларини белгилаш бўйича туман махсус комиссиясининг 2016 йил 11 январдаги баённини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Бектемир туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун тумандаги 76 та ташкилотларда аҳолининг қуйидаги тоифалари учун жами 593 та иш ўринлари банд қилиб қўйилсин:

ёлғиз ота, ёлғиз она ва 14 ёшгача бўлган ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун – болаларини тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларни уйғунлаштириш имконини берадиган, ўзгарувчан иш жадвалга эга бўлган иш ўринлари;

таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун — уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

ногиронлар учун – меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ходимга иш жараёнларни тўсқинликсиз бажариш имконини (соғлиғининг аҳволи ва меҳнат фаолиятига нисбатан белгиланган зид кўрсаткичлар ҳисобга олинган ҳолда) берадиган иш ўринлари;

бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун – махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар учун иш ўринлари;

одам савдосидан жабрланганлар учун иш ўринлари.

2. Бектемир туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг 2016 йил учун банд қилиб қўйиш лозим бўлган ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

3. Иш ўринларини банд қилувчи ташкилотлар раҳбарларига:

ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2015 йил якунланишидан 10 кун олдин банд қилинган иш жойлари умумий миқдорининг камида 25 фоизи учун, 2016 йилнинг 10 апрелидан кечикмай иш жойларининг қолган қисми 75 фоизини барпо этиш (ажратиш ёки банд қилиб қўйиш) тўғрисидаги, яъни ҳар бир тоифа бўйича иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар, мутахассисликлар туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига тақдим этилсин;

иловадаги шахслар учун иш ўринлари санитария-гигиена нормалари ва меҳнат шароитларига мувофиқлаштирилиши таъминлансин.

4. Ушбу қарор ижроси бажарилмаган тақдирда ташкилотнинг мансабдор шахсларига "Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги Низом"нинг 15-бандига мувофиқ жарима солинади.

5. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини иловада белгиланган миқдордан ортиқча ташкил этган ташкилотлар ушбу иш ўринларини ташкил этишга сарфланган маблағларнинг бир қисмини туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан тузилган шартнома асосида Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканликлари инобатга олинсин.

6. Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман маркази (Н.Эшназев):

ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатилсин.

7. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бектемир туман ҳокимининг ўринбосари А.Ерматов зиммасига юклансин.

Бектемир тумани ҳокими С.Махаметов

2016 йил 20 январь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

Анжуманлар

САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси сиёсий Кенгаши томонидан "Демократик ислоҳотлар жараёнида Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг ўрни" мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП сиёсий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Наримон Умаров тадбирни кириш сўзи билан очар экан, мамлакатимизда "Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари" тамойили асосида сўнгги йилларда миллий қонунчилигимизга киритилган янгиланишларга мувофиқ сиёсий партияларнинг жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни ва роли ошганлиги, ваколатлари янада кенгайганлигини таъкидлади. Айниқса, конституциявий ислоҳотлар асосида парламент палаталари ҳамда маҳаллий вакиллик органларидаги депутатлик бирлашмаларининг ваколатлари кенгайтирилгани бевосита жойларда Давлат дастурлари ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросига самарали таъсир ўтказиш, бу борада парламент ва депутатлик назоратини ўрнатишда муҳим ўрин тутаётганига иштирокчилар эътиборини қаратди.

Тадбир давомида 2015 йил сайловлар йили сифатида Ўзбекистон "Адолат" СДП учун мамлакатимиз сиёсий майдонида ўз ўрнини мустаҳкамлаш имконини берганлиги таъкидланди. Хусусан, 2014 йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтган сайловлар натижасида партия Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 20 нафар депутатдан иборат фракциясини шакллантирган бўлса, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлари сони 834 нафарга етганлиги, 2009 йилги сайловга нисбатан икки баробарга кўпайганлиги эътироф этилди.

— Ўтган "2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ижросида партия ташкилотлари фаол иштирок этди. Хусусан, республика миқёсида "Кексаларни эъзозлаш — муқаддас бурчимиздир" номли ижтимоий акция асосида ўтказилган кенг кўламли тадбирлар, айниқса самарали бўлди, — дейди Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Абдукамол Раҳмонов. — Акция доирасида юртимизда фаолият юритаётган "Мурувват" уйлари қариялари, ҳудудларда истиқомат қилаётган уруш ва меҳнат фахрийлари, маҳаллалардаги ёши улуғ инсонларга эътибор кўрсатилди. Улар учун партия фаоли бўлган шифокорлар томонидан тиббий кўриклар ташкиллаштирилиб, саломатликларини мустаҳкамлаш бўйича амалий ишлар қилинди ҳамда маслаҳат ва тавсиялар берилди.

Тадбирда партия мафкураси, мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб "Фикр – ғоя – ҳаракат", "Ўзбекистон – инсон қадри улуғланган юрт", "Адолатчилар жамоатчилик экспертизаси", "Соғлом оила – соғлом жамият – порлоқ келажак", "Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият", "Конституция – адолат мезони" каби яна 10 дан ортиқ ижтимоий лойиҳалар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилиб келинаётганлиги, ушбу жараёнда партиянинг жойлардаги бошланғич ташкилотлари ҳамда "Ёш адолатчилар" ва "Аёллар қаноти" аъзолари фаол иштирок этаётгани айниқса, аҳамиятли эканлиги алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, матбуот анжуманида партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий вакиллик органларидаги депутатлик гуруҳлари ҳамда жойлардаги барча тузилмалари томонидан 2016 йилда бажариладиган ишлар режаси ҳақида ҳам маълумот берилди.

Жорий йилда ҳам партиянинг ижтимоий лойиҳаларини кенг жорий қилиш, амалий саъй-ҳаракатларни янада кучайтириш, давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизни ўтган 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида белгилаб берилган устувор вазифаларни амалга ошириш, қабул қилинажак "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижросига партиянинг барча тузилмалари, депутатлик гуруҳлари ва фаолларининг куч, имкониятларини сафарбор қилиш белгиланган айтиб ўтилди.

Зафар НАЗАРОВ

Шаҳримизда транспорт воситаларининг сони ортиб боргани сайин йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш долзарб масалага айланиб бормоқда. Йўл транспорти ҳодисаларининг олдини олиш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эгалиги кундай равшан.

ФУҚАРОЛАР ВА ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Пойтахтимизда аҳоли ўртасида йўналишсиз таксига эҳтиёж ошаётганидан фойдаланиб, ҳеч қандай лизенцияга эга бўлмай туриб шахсий автомашинасида ноқонуний тарзда киракашлик қилаётганлар ҳам топилади.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида ташкил этилган брифингда мазкур йўналишда пойтахтимизда амалга оширилаётган ишлар ва келгуси режалар ҳақида сўз юритилди.

Ҳозирги кунда пойтахтимизда уч юздан зиёд корхона йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланмоқда. Президентимизнинг 2013 йил 9 октябрдаги "Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ пойтахтимизда аҳолига транспорт хизматлари кўрсатиш янада яхшиланди.

Йўловчиларга янада сифатли транспорт хизматлари кўрсатиш, бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокими томонидан жорий йил 13 январда қўшма чора-тадбирлар режаси тасдиқланган. Унга асосан, "Тошшаҳартрансхизмат" акциядорлик компанияси, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси, Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги шаҳар ҳудудий бўлими, Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Йўловчи ташиш транспортининг барча турларини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти ходимлари томонидан йўловчи ташиш йўналишларида лизенциясиз фаолият кўрсатаётган ташувчилар бўйича рейдлар ўтказилмоқда.

Брифингда мутасадди ташкилотлар вакиллари томонидан тасдиқланган кенг қамровли тадбирлар режаси ҳақида батафсил маълумот берилди.

Жорий йилнинг 10 февраль ҳолатига кўра ўтказилган 310 та рейд натижасида 9200 автомобиль воситаси текширилган ва 1850 та қоидабузарлик ва камчиликлар аниқланди. Давлат солиқ бошқармаси ходимлари томонидан жами 163 та – 118 та йўловчи ташувчи, 45 та юк ташувчи транспорт воситаларида қоидабузарлик аниқланган. Қоидабузарликларни содир этган шахсларга ўрнатилган тартибда чоралар кўрилди.

Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲҲБ ходимлари олиб борган ўрганишлар оқибатида 18651 та баённома тузилиб, йўловчи ташиш йўналишларида тегишли ҳужжатларсиз фаолият юритаётган 814 та қоидабузарлик ҳолатлари аниқланиб, автотранспорт воситалари қонун доирасида вақтинчалик жарима майдонларига киритилган.

— Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи ташиш транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти ходимлари томонидан ўтказилган тадбирлар давомида йўловчи ташиш йўналишларида жами 95 та камчиликлар аниқланган, — дейди Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи ташиш транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти бошлиғи ўринбосари вазифасини бажарувчи Мираваз Далилов. — Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан ҳайдовчиларнинг йўл варақаларига белгилар қўйилиб, корхона раҳбарларига камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилган ҳолда йўловчи ташувчи ташкилот раҳбарларига 55 та тақдимномалар юборилган.

Маълум қилинишича, Тошкент шаҳрида йўловчиларни енгил автомобилларда тижорат асосида ташиш учун тегишли рухсатнома бўлиши шарт, автомобиль транспортида йўловчиларни лизенциясиз ташиш билан ноқонуний шуғулланган фуқаролар учун – энг кам иш ҳақининг 20 баробаридан 100 баробаригача, мансабдор шахслар учун 50 баробаридан 150 баробаригача жарима солинади. Ушбу ҳол қайта такрорланса, энг кам иш ҳақининг 25 дан 75 баробаригача жарима ёки 5 йилгача транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинади ёки 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишларига жалб этилади.

Тадбир сўнгида бу борадаги ишларни янада кучайтириш зарурлиги, аниқланган қоидабузарликлар, камчиликлар йўловчилар хавфсизлиги, уларнинг ҳаётига таҳдид бўлмаслигига ҳеч ким кафолат бермаслиги, мутасадди ташкилотлар томонидан рейдлар давом эттирилиши ва ноқонуний лизенциясиз фаолият кўрсатаётган ташувчиларга нисбатан чоралар кўрилиши алоҳида таъкидланди.

Зиёда РАСУЛОВА

ҲАЁТ БОҒИНИНГ ГУЛЛАРИ

Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг саҳифаси

Мамлакатимизда, хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш борасида бир қатор ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилиб келинмоқда. Уларнинг ижтимоий-сиёсий мавқеини ошириш, жамиятда кечаётган ислоҳотлар жараёнидаги фаол иштирокини таъминлаш, хусусан, давлат ва жамият қурилишида, ишлаб чиқаришда, оилада, маҳаллий ўзини ўзи бошқарувда, социал ҳаётда, жамоат ташкилотларида, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятида хотин-қизларнинг иштирокини кучайтириш сингари масалалар муҳим аҳамиятга эга.

Туманларда

ЭҲТИРОМ ВА ЭЪТИРОФГА САЗОВОР

Хотин-қизларнинг оилани шакллантириш ва мустаҳкамлаш, баркамол авлодни тарбиялаш, давлат, жамият ва маданий қурилишдаги юксак мавқеининг эътироф этилиши билан биргаликда, уларнинг юртимиз истиқболини янада яхшилаш ва салоҳиятини юксакка кўтаришдан самарали фойдаланишга бўлган ҳизматлари эътирофга сазовордир.

Бугун мамлакатимиз хотин-қизлари соғлом ва баркамол фарзандларни тарбиялаб, вояга етказиш билан бирга давлат ва жамият қурилишида иштирок этиб, мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айланди.

Бу борада Миробод туман хотин-қизлар қўмитаси ҳам, туман касаба уюшмаси, Маънавият тарғибот маркази, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди, "Камолот" ЁИҲ, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Нуроний" жамғармаси, "Оила" маркази, "Тадбиркор аёллар" ва "Олима аёллар" уюшмаси туман бўлимлари билан ҳамкорликда аҳолининг, айниқса хотин-қизларнинг яшаш шароити, турмуш тарзи, тиббий, маънавий, ҳуқуқий, маданий, ижтимоий шароитини яхшилашда бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда.

Айниқса, Президентимиз ташаббуслари билан жорий йилнинг "Соғлом она ва бола йили" деб номланиши юқоридаги ишларни изчиллик билан амалга оширилишида дастуруламал бўлмоқда. Миробод туманидаги 39 та маҳаллаларда бешта йўналиш бўйича жамоатчи гуруҳлар ташкил этилган бўлиб, улар ҳамкорлигида хотин-қизларнинг ижтимоий мавқеи, саломатлиги, иш билан таъминланганлиги, қизларнинг эрта турмуш қуришининг олдини олиш, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчи ёшларининг бандлигини таъминлаш, зарарли оқимларга кириб қолишларининг олдини олиш борасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги иштирокини таъминлаш мақсадида сиёсий партиялар ва бошқа давлат ва жамият ташкилотлари билан ҳамкорликда "Фан, маданият ва жамият ривожланишида аёлларнинг ўрни", "Аёл — оила ва жамият таянчи", "Раҳбар аёллар ролини кучайтириш", "Хотин-қизларнинг сиёсий партиялар орқали фаоллигини ошириш", "Қизлар миллат фахри", "Муомала, либос ва биз" каби турли мавзуларда бир қатор тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Туманда соғлом муҳитни яратиш, ёш оилаларнинг ажримларини олдини олиш мақсадида "Бир оила барпо бўлгунча" деб номланган давра суҳбати мунтазам равишда ўтказилиб борилади. Бу эса, ёшларни ҳаётга тайёрлаш, ажримларнинг олдини олиш борасидаги тарғибот-ташвиқот ишларининг изчиллик билан олиб борилишида муҳим аҳамият касб этади.

Тошкент шаҳар Шейпинг федерацияси раиси, бошланғич хотин-қизлар қўмитаси раиси Е.Самохвалова бошчилигида қарийб йигирма йилдан бери Миробод туманида Шейпинг федерацияси фаолият юритмоқда. Ҳозирги кунда спортнинг ушбу турига 400 га яқин хотин-қизлар қатнашадилар. Бу ҳам аёллар соғлиғини тиклаш ва яхшилашда муҳим омил ҳисобланади.

Якка тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида режа асосида туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, бандликка кўмаклашиш маркази томонидан тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган хотин-қизлар орасида доимий равишда давра суҳбатлари ўтказилади. Унда аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, касаначилик асосида уй меҳнатини ташкил қилиш борасида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Жумладан, "Фахрий аёллар", "Олима аёллар", "Аёл ва спорт" комиссияси, "Аёл ва экология", "Ҳуқуқшунос аёл", "Аёл ва саломатлик" уюшмалари, "Иқтидорли қизлар", "Ораста қизлар" каби тўгараклар шулар жумласидандир.

Зеро, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий, социал ва меҳнат фаоллигини ошириш, уларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, саломатлигини асраш, фан, таълим, диний маърифат ва хотин-қизларнинг маънавий манфаатларини муҳофаза қилиш борасидаги ишларни амалга ошириш туман хотин-қизлар қўмиталари олдида турган муҳим вазифадир.

Феруза МАДАМИНОВА,
Миробод тумани ҳокими ўринбосари,
хотин-қизлар қўмитаси раиси

НУРОНИЙСИ ЭЪЗОЗ, ЁШЛАРИ ИҚБОЛ ТОПГАН ЮРТ

Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси марказий кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Ушбу жамоат ташкилотининг 2015 йилги фаолияти атрофлича сарҳисоб этилган йиғилишда вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, жамғарманинг жойлардаги бўлимлари мутасаддилари, маҳалла фаоллари иштирок этди.

"Нуроний" жамғармаси марказий кенгаши раисининг ўринбосари Ш.Усмонов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ҳаётга кенг татбиқ этилган "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ёши улуғ юртдошларимизга ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш, саломатлигини мустаҳкамлашга доир ибратли ишлар кўламини янада кенгайтириш имконини берганини таъкидлади.

Ўтган 2015 йил давомида нуронийларни тиббий кўрикдан ўтказиш, саломатлигини яхшилаш, соғломлаштириш масаласи доимий эътиборда бўлди. "Жасорат, бурч, матонат" шиори остида юртимизнинг барча ҳудудларида, мактаб, касб-ҳунар коллежларида ёшларнинг кекса авлод вакиллари билан учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилди. Фахрийлар учун байрам дастурхонлари тузалиб, совғалар топширилди.

Мустақиллик байрами арафасида Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним – Ўзбекистоним!" шиори остида маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Ёшларни ватанпарварлик, фидойилик, шукроналик, ҳалоллик, тинч ва осуда кунларимизнинг қадрига етишга ундашда нуронийларнинг ибратли ҳаёт тажрибасидан кенг фойдаланиш доимий эътиборда бўлди.

Кексалар учун спектакллар, концертлар, бадиий фильмлар, кўргазмалар намойиши, музейларга ташрифлар ташкил этилди. 28 мингдан ортиқ уруш ва меҳнат фахрийси учун тарихий шаҳарлар, муқаддас қадамжоларга саёҳат ва зиёратлар уюштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ўтказилган танлов асосида Косонсой туманидаги "Қадрлаш" фахрийлар дам олиш маскани учун зарур жиҳозлар сотиб олиниб, тинч ва осойишта кунларни қадрлашга чорловчи китоблар чоп этилди.

Йиғилишда мазкур жамоат ташкилотининг Соғлом она ва бола йилидаги режалари белгилаб олинди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Маҳаллаларда

ҚАДРИЯТЛАР МАСКАНИ

— Маҳалланинг обод ва кўркам бўлиши аҳолининг ҳамжиҳатлиги, ўзаро бирдамлигига бевосита боғлиқ, – дейди Сергели туманидаги "Обод" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Мунира Тошхўжаева биз билан суҳбатда. — Маҳалламизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро миллий қадриятларимизга амал қилган ҳолда осойишта ҳаёт кечириб келмоқда. Мақсадимиз халқ тинчлиги, юрт фаровонлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилиш, инсонлардаги бир-бирларига бўлган ишонч, меҳр ва дўстлик туйғуларини янада мустаҳкамлаш. Ёшларимизни ўзбекона урф-одатларимизга амал қилган ҳолда меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш, қадриятларимизни қадрлашга чорлаш, она Ватанга муносиб авлодлар бўлиб етишишга ундашдан иборатдир. Чунки маҳалла азалдан қадриятлар бешиги, тинчлик қўрғони ҳисобланади.

"Обод" маҳалласи 1993 йилда ташкил топган бўлиб бугунги кунда 2428 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ўн бешта кўчани қамраб олган бу мўъжазгина ҳудудда асосан ерли аҳоли яшайди.

Маҳаллада фуқароларнинг маданий, маънавий-маърифий, тиббий, ҳуқуқий, сиёсий саводхонлигини янада ошириш, ёшларни зарарли оқимлардан ҳимоялаш, қизларни ҳаётга тайёрлаш, эрта никоҳларнинг олдини олиш борасида турли мавзудаги тадбирлар, давра суҳбатлари ва учрашувлар мунтазам равишда ўтказилиб келинмоқда.

Маҳаллада фаолият олиб бораётган "Обод" деб номланган спорт командаси футболчилари нафақат туман, балки шаҳар ва республика бўйича олиб борилаётган мусобақаларда фахрли ўринларни олишга сазовор бўлаётгани ҳам маҳалла аҳлининг ўзаро бирдамлигидан далолат беради.

Маҳалладаги "Ораста қизлар" гуруҳи эса режа асосида дастуруламал ишларни амалга оширмоқда. "Эъзозли аёллар" кўнгил очар гуруҳида ҳам 45 нафардан ортиқ хотин-қизлар соғлом турмуш тарзига амал қилиш, ўз соғлиқларини яхшилаш, турли касалликларнинг олдини олиш мақсадида бадантарбия машғулотлари билан мунтазам шуғулланиб келади.

2015 йилда Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги муносабати билан мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишдаги самарали меҳнати, юртимизнинг ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун, "Обод" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Мунира Тошхўжаева Президентимиз томонидан Ватанимизнинг юксак мукофоти "Шуҳрат" медали билан тақдирланди.

Бу нафақат Мунира опага, балки маҳаллада олиб борилаётган намунали ишларга берилган юксак баҳодир.

Зеро, аҳиллик бор жойда осойишталик, ободлик ва хотиржамлик бўлади. Халқимизда "Сариштали уй — фариштали уй", деган нақл бор. Ота-боболаримиз азалдан ўз юртини обод қилиш, ҳовлисини, маҳалласини тоза сақлашдек эзгу ишларга алоҳида эътибор қаратган. Бинобарин, тинчлик ҳукмронлик қилган маскандан файзу барака аримайди. Одамлар бугунидан маъно топиб, эртанги кунига ишонч билан қараб яшайди.

Ойдин ҲАЙИТОВА

Ҳар биримизнинг ҳаётимиз, тақдиримиз, яшаш тарзимиз, оилаларимиздаги маънавий муҳит ва фарзандлар тарбиясини маҳалладан айро ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Чунки маҳаллада инсонлар бир-бирига меҳр-оқибатли, ҳамқадам, ҳамфикр бўлиб аҳилликда умргузаронлик қилади.



Туйғулар

КЎНГИЛ КЎЗГУСИ

Яна тушларимда мен сизни кўрдим. Жонимга жон бўлиб кириб келдингиз. Секин сочларимни силаб-сийпалаб, сўнгра пешонамдан ўпиб қўйдингиз. Ифорингиз бўйли, юзингиз нурли, нигоҳингиз эса жуда меҳрли. Бу сиз эдингиз меҳрибонгинам, жонимга ачинган жонкуяргинам, тунлари ухламай парвона бўлган, меҳнат қилиб сира тинмаган, аммо ўз ғамини ҳеч ўйламаган фариштам, сариштам, меҳрибон онам...

— Болажоним, болам, соғ-омонмисан? Бунча паришонсан, бунча ғамноксан, нега тушларингда йиғлаб юрибсан? Дардингни билмасман, юпата олмасман, кўзларинг ёшини арта олмасман, бир бора бағримга боса олмасман.

Руҳим нотинч бўлмоқда бугун, айтгин юрагингда қандайин тугун. Айта қол бошгинангда қандайин савдо, ёки кимдир сени қилдими иғво. Нечун сўлиб-сарғаймоқдасан, айтгин болам недир муаммо? Юрагингга қулоқ сол қизим, ахир сен менинг ёруғ юлдузим, сирларини ҳеч сир бермаган, ўз билганидан сира қолмаган, дўст-душманини ажрата олмаган, қайсаргина, ўжар боламсан. Олис шаҳарларда бегонагинам, биргина озори йўқ, қайғудоши йўқ, аммо сабр қўрғони бор бечора болам.

Дард, алам ва ғамни елкалайверма, нодонлар гапини кўнглингга олма. Ўйлайверма, турли хаёллар юрагингни адо қилади, дўстингман деб юрган, душманингнинг оғзи қулоғига етади. Сен тириксан, шунга шукр қил, ўйла болам, сўнгра фикр қил. Тонготарда айтган сўзларим қулоғингга зикр қилиб ил. Даданг ва мен кўрмаган ёруғ кунларни, биз учун ҳам сен албатта кўр.

Мен сени яна не деб юпатай бугун. Қаршингда турибман бир сўзсиз беун, ҳар қандай дардингга балогардонман, ташвишларингга ҳам шерикман болам. Ўзим олисман-у аммо аслида кўнглингда, кўзингда турибман, сен менинг жону жаҳонимдасан...

Тўхтанг она, кетманг она, олисларга жоним нисор бўлсин йўлингизга. Югурдим-у, етолмадим, этагингиз тутолмадим. Уйғондим-у, келолмадим ҳушларимга, кўзларимда қотиб қолди бир томчи ёш, кетгим келди қаергадир секин олиб бош. Ҳаёт давом этмоқда, бунда фақат сиз йўқсиз. Бошингни кўтариб юр, дегувчи дадам ҳам йўқ. Соғинчлар азобидан тўлғонади бу кўнглим, юрагимга симиллаб кириб бормоқда бир чўғ.

Йиллар ўтди, келишингиз эртак, афсона бўлди. Соғинчлардан кўнгил қурғур, мудом кемтик кам бўлди. Қайга борсам, нимадир йўқ, дилим чекар изтироб, онажоним, сиз эдингиз мен учун моҳи офтоб. Юрган йўлим баъзан сира нимагадир унмайди, узоқдаги ғанимларим пайт пойлаб, қўймайди. Баъзан ногоҳ тойиб кетсам тўғри юрган йўлимдан, ёнимдаги дўст деганим ушламайди қўлимдан.

Бугун соғинч йиғлади, мен йиғламадим, она. Соғинган ҳам мен эмас, менинг кўнглимдир она. Кетдингиз бизни ташлаб, юракларимизни ғашлаб, энди айтинг жон она, мен қайга борай бўзлаб, сизни жуда соғиндим.

Тушларимда кўриб сизни, тўлиб кетди кўнглим мени, соғинч номли оташ туйғу куйдирди-ку борлиғимни. Шу важдан ҳам тўйиб-тўйиб бир йиғлагим келди она. Қабрингизга боролмадим, шудир асли зўр баҳона. Сизни эслаб пойингизга гуллар тўшаб қўйгим келди, лекин олис-олис йўллар қўлларимдан ушлаб қолди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Таълим

ЗАМОНАВИЙЛИК ВА МИЛЛИЙЛИК УЙҒУНЛИГИДА

Ўзбекистон давлат консерваториясида, мусиқа назарияси кафедраси томонидан, ўзбек композиторлари ижодига бағишланган "Замонавий гармония" лойиҳаси асосида бешта ўқув-услубий қўлланманинг тақдимоти бўлиб ўтди.

Қўлланмалар санъатшунослик фанлари доктори Орзу Азимова ва унинг шогирдлари Ш.Ибрагимова, И.Мирталипова, Г.Абдуқаюмова, Ҳ.Дўстматов, Ҳ.Нуритдинов ҳамкорлигида нашрга тайёрланди.

— Биз биламизки шарқда, ҳар бир соҳа устоз-шогирд анъанасида ўрганиб, тарғиб қилиб келинган ва ана шу анъана бугунги кунда ҳам ўз самарасини бермоқда, — дейди санъатшунослик фанлари доктори, профессор О.Азимова. — Ушбу қўлланмалардаги мавжуд назарий маълумотлар ва бадиий амалиётдан келтирилган мусиқий мисоллар, таҳлилларнинг равон ва тушунарли тилда баён этилганлиги китобхонларга яқиндан кўмакдош бўлади. Жумладан бўлажак мусиқачи ва санъатшуносларга ўз соҳаларини мукаммал эгаллашларида ёрдам беради.

Мазкур ўқув қўлланмалар консерватория ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан нашрга тавсия этилган.

Тадбирда санъатшунослар Т.Фофурбеков, А.Мансуров, С.Бегматов ва бир гуруҳ санъатшунос тадқиқотчи олимлар қўлланмаларнинг нечоғли долзарблиги ва ўзбек тилидаги мусиқашунос композиторлар учун керакли манба эканлигини таъкидлаб ўтишди.

Маъмуржон РАСУЛОВ,
Ўзбекистон давлат консерваторияси
4-босқич талабаси





Ислом Исмоилов олган суратлар

КЕЛГУСИДАГИ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши томонидан тумандаги умумтаълим мактаблари бошланғич ташкилоти етакчилари учун "Ёшлар тарбиясида барчамиз бирдек масъулмиз!" мавзуида семинар-тренинг ташкил этилди.

Ёшлар ўртасида ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, уларни таълим муассасаларидаги таълим ва тарбиявий ишларга жалб этиш ҳамда маҳаллалардаги ёшлар билан ишлашнинг самарадорлигини ошириш тадбирнинг бош мақсади бўлди.

Семинар-тренингни "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши раиси Баҳодир Зиёвиддинов кириш сўзи билан очиб, 2016 йилда ёшлар тарбияси борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар юзасидан фикрини билдириб ўтди.

Чилонзор туман "Камалак" Болалар ташкилоти раиси Ҳасан Нарзиев семинар иштирокчиларига Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Васийлик Кенгаши йиғилиш баённалари асосида қабул қилинган Тошкент шаҳар ва туман тармоқ дастурлари ва дастурда белгиланган йўналишлар ҳамда тадбирлар тўғрисида маълумот берди. 2016 йилда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ташкил этиладиган илмий-амалий конференциялар, турли мавзулардаги танлов ва мусобақалар, лойиҳаларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Семинар давомида бошланғич ташкилот етакчилари гуруҳларга бўлинган ҳолда мавзу юзасидан келгусида амалга ошириладиган тадбирлар тўғрисида режа ишлаб чиқишди.

* * *

Алоқа касб-ҳунар коллежида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Шайхонтоҳур туман Кенгаши томонидан Ҳаракат тизимида ёшларнинг фаоллигини ошириш, БТ етакчиларининг фаолият самарадорлигини ҳамда Ҳаракат ташкилий-тузилмаси, етакчининг асосий вазифаларини тушунтириш ҳамда ёшлар билан ишлаш кўникмасини шакллантириш мақсадида сайёр ўқув-семинар ташкил этилди.

Мазкур семинар-тренинг "Камолот" ЁИҲ туман Кенгашининг 2016 йилга мўлжалланган иш режасининг тегишли бандлари ижросини таъминлаш, ўрта махсус таълим муассасаларидаги Ҳаракатнинг бошланғич ташкилоти Етакчилар Кенгаши аъзолари фаолият самарадорлигини оширишга эришиш, уларнинг малакасини, касбий кўникмаларини шакллантириш ҳамда жамоада ўзини тутиш ва ишлаш маҳоратларини мустаҳкамлаш мақсадида ўтказилди. Тадбир сўнгида касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей бошланғич ташкилот етакчиларига таклиф ва тавсиялар бериб ўтилди.

Зарина РУСТАМОВА

Аҳолининг, айниқса ёш авлоднинг маданий-маърифий эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақтларини самарали ўтказишни ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июндаги "2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш борасида пойтахтимизда маданият ва аҳоли дам олиш марказларининг моддий-техник базасини ривожлантириш, уларни босқичма-босқич таъмирлаш ва аҳолининг мазмунли дам олиши учун зарур шароитларни яратишга доимий эътибор қаратилмоқда.

Маданият

МАЗМУНЛИ ВА МАРОҚЛИ ҲОРДИҚ ЧИҚАРИШМОҚДА

2013-2014 йилларда 7 та маданият ва аҳоли дам олиш марказларида капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш белгиланган эди. Бугунги кунга қадар Бектемир, М.Улуғбек, Юнусобод, Миробод ва Чилонзор туманларида маданият ва аҳоли дам олиш марказларида капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари якунланиб, фойдаланишга топширилди.

Жумладан, Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси, "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳамкорликда жорий йилнинг февраль-март ойларида янги фойдаланишга топширилган Маданият ва аҳоли дам олиш марказларида концерт дастурлари ва театрлар томонидан спектакллар намойишини ўтказиш режасининг ишлаб чиқарилиши ҳам фуқароларнинг маданий ҳордиқ чиқаришларини таъминлаш, маънавий оламини юксалтиришга хизмат қилади.

Мирзо Улуғбек туманидаги маданият ва аҳоли дам олиш марказида, Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги ҳамкорлигида "Аждодлар мероси — авлодлар ардоғида" мавзуидаги маданий-маърифий тадбир ҳам шу мақсадда ташкил этилди.

Тадбирга тумандаги маҳаллаларда истиқомат қилаётган отахон ва онахонлар, талаба-ёшлар, мусиқа ихлосмандлари таклиф этилди.

Мазкур масканда, аҳолининг бўш вақтини мазмунли ўтказиши ва маданий дам олиши учун барча шароитлар яратилган. Концерт зали, миллий созандалик ва хонандалик тўгараклар хоналари керакли мусиқий жиҳозлар билан таъминланган.

— Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари, халқимизнинг номодий маданий мерослари ҳисобланган миллий санъатимиз ва халқ оғзаки ижодининг дурдоналарини тарғиб қилишга, халқимиз орасида замонавий маданий-маърифий хизматларни кенг ёйиш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади, — дейди Мирзо Улуғбек тумани маданият ва аҳоли дам олиш маркази раҳбари Раҳима Юсупова биз билан суҳбатда. — Марказимизда катталар ва болалар учун 26 та тўгарак фаолият кўрсатмоқда. Хонандалик, театр, тасвирий санъат, хореография, чолғулар ижрочилиги, шахмат каби тўгараклар ёшларимизнинг санъатга ошно бўлиб ўсишида, турли ҳунар сирларини ўрганишда, мусиқий билимларини оширишда ва айниқса уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишда муҳим аҳамият касб этади. Келажак авлод учун яратилаётган бундай шарт-шароитлар негизида ёшларнинг бахтли ва фаровон, истиқболли келажагига замин яратилган. Шунингдек, фуқароларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш номоддий маданий мероспаримиз ҳисобланган миллий санъатимиз ва халқ оғзаки ижодининг нодир дурдоналарини тарғиб қилишда ҳам муҳим омил бўлмоқда.

Марказда миллий ва замонавий рақс, миллий чолғу ижрочилиги, тикувчилик тўгараклари, "Қуёшжон" намунали болалар хор жамоаларининг фаолият олиб бориши туман аҳлига бирдай манзур бўлмоқда.

Аҳолининг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, инглиз ва корейс тиллари бўйича мактабга тайёрлов курслари, "Соғлом она ва бола йили" муносабати билан аёлларимиз учун шейпинг ва болалар гимнастикаси спорт тўгараклари очилиши борасида ҳам саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Тадбирда, Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур тавалludи муносабатига бағишланган мусиқий чиқишлар, "Ниҳол" мукофоти совриндорлари, бадиий ҳаваскорлик ансабллари ва хор жамоаларининг концерт дастурлари кечанинг бадиий савиясини ошириб берди.

Китоблар кўргазмаси ҳамда шахмат ва шашка мусобақаларининг уюштирилиши эса иштирокчиларга жуда манзур бўлди.

Маданият ва аҳоли дам олиш марказларида уюштирилаётган маданий тадбирлар, инсонларни маънавий баркамоликка чорлаш баробарида, уларнинг маданий дам олишлари билан бирга онг ва тафаккурини ҳам теранлаштиради, истиқболи порлоқ ёшларимизнинг истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқаришда муҳим аҳамият касб этади.

Гулнигор САТТОРОВА

ЭЗГУЛИК ТУЙҒУЛАРИ АКС ЭТГАН

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театрида "Лайли ва Мажнун" спектаклининг премьераси бўлиб ўтди.

Қайтадан саҳналаштирилган спектаклда меҳр-муҳаббат, садоқат, соф севги тараннум этилган. Қайс ва Лайлининг ўз аҳди йўлидаги кураши ва бу йўлда уларнинг қурбон бўлиши воқеалари акс эттирилган.

— Буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг "Лайли ва Мажнун" достони асосида яратилган бу спектакль, театримизда қўйилаётган комедия жанридаги спектакллардан фарқли ўлароқ туб бурилиш ясади, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Мирза Азизов. — Спектаклда икки ёшнинг илоҳий соф севгиси тараннум этилиши билан бирга, ижтимоий масалалар ҳам кўтарилган. Жумладан, унда тенгсизлик, инсоний туйғулардан кўра шон-шуҳратни юксак қўядиган кимсалар қисмати ҳамда илоҳий ишққа мубтало бўлган Қайс ва Лайлининг ўз севгиси йўлидаги кураши ва бу йўлда уларнинг ҳалок бўлишлари жуда нафис ва таъсирчан қилиб акс эттирилган. Саҳнада Навоий сиймосининг гавдалантирилгани эса, воқеа ва ҳодисаларга шоир муносабатини баён этишда ўзига хос янгилик бўлган. Бу спектакль халқимиз қалбидан алоҳида жой олиб, уларнинг таҳсинига сазовор бўлади деган умиддамиз.

Хуршид драмаси асосида Шуҳрат Ризаев томонидан қайта ишланган икки пардали мусиқали драмани, Ўзбекистон халқ артисти Мирза Азизов саҳналаштирган.

Саҳнавий безак ва декорациялар муаллифи Бахтиёр Тўраев, Лайли ролини Дилором Абдуолимова, Қайс ролини Равшан Иброҳимов ижро этган.

Ўзбекистон халқ артисти Марям Ихтиёрова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Александр Бекжонов, Турғун Бекназаров, Дилором Сафоева, Меҳмонали Салимов, Ҳамид Тўхтаев ўзига бириктирилган ролларни маромига етказиб ижро этган.

Оммавий саҳналарда солист-вокалист, хор ва балет артистлари иштирок этган.

Янгича саҳна безаклари ва мусиқа спектаклнинг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилган. Ролларни театрнинг етук ижодкорлари қаторида иқтидорли ёш санъаткорлар ҳам ижро этган.

— Мен бу спектаклни мириқиб томоша қилдим,– дейди томошабин Бибигул Азимова. — Лайли ва Мажнун образлари бугунги ёш авлодга намуна, ибрат мактаби бўлади десам ҳеч муболаға бўлмайди. Истардимки, бу спектаклни олий ўқув юрти талабалари, коллеж, академик лицей ва мактаб ўқувчилари томоша қилишлари шарт. Ана ўшанда уларнинг онг ва тафаккури янада юксалиб, севги-муҳаббатга бўлган эътиқоди мустаҳкамланиб борармиди.

Пойтахтимиз театрларида қўйилаётган ҳар бир спектакль, нафақат ёшларни, балки барча инсонларни эзгуликка, яхшиликка чорлайди. Айниқса буюк аждодларимиз сиймолари акс эттирилган саҳналар келажак авлод қалбида юртга садоқат, Ватанга муҳаббат ва гўзал туйғуларга нисбатан ҳурмат ва эҳтиром туйғуларини уйғотади.

Гулчеҳра САТТОР қизи

"101"

ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛДИРМАЙЛИК

Пойтахт транспортлари ичида метро ўзининг қулайлиги, хавфсизлиги ва тезкорлиги билан ажралиб туради. Хусусан, йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида метрополитен ходимлари саъй-ҳаракатларини аямайдилар.

Шу ўринда метрополитендан фойдаланишда йўловчилардан ҳам масъулият талаб қилинишини таъкидлаш жоиз. Жумладан, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун очиқ оловдан фойдаланмаслик, сигарета чекмаслик, бир сўз билан айтганда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш зарур бўлади.

Халқимизда "Ҳар эҳтимолга қарши" деган ибора бор. Буни ҳар бир ишнинг охирини ўйлаб, эҳтиёт чораларини кўришга айтилади. Айни шу иборани фуқаролар кўникмага айлантирсалар, турли кўнгилсизликларнинг олди олинган бўларди. Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш нақадар муҳимлигини эътибордан четда қолдирмайлик.

Шу ўринда ҳар бир йўловчидан метрополитендан фойдаланиш қоидаларига амал қилишлари, ўзи ва атрофдагиларнинг хавфсизлигини таъминлашларини сўраймиз.

Жанибек КАЛЕНОВ,
Тошкент метрополитени Қўриқлаш бўйича ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бўлинмаси катта инспектори, сержант

Божхона

НОҚОНУНИЙ ИШ — КЕЛТИРАР ТАШВИШ

Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 5 октябрдаги "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги Қонуни алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишда муҳим роль ўйнайди.

Ушбу Қонун фуқароларнинг аввало, йигирма ёшга тўлмаган шахсларнинг соғлиғини алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишнинг зарарли таъсиридан, шу билан боғлиқ ижтимоий ва бошқа салбий оқибатлардан ҳимоя қилишга, шунингдек, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда қарор топтиришнинг ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитларини яратишга хизмат қилмоқда.

Афсуски, мазкур йўналишда олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигига путур етказадиган айрим омиллар ҳам борки, улардан бири алкоголь маҳсулотларини республикамиз ҳудудига ноқонуний тарзда олиб кириш ва ички ҳудудда бундай маҳсулотларни контрафакт тарзда тайёрлаш билан боғлиқдир. Чунки, қинғир йўллар билан мамлакатимизга олиб кирилган ёки қўлбола тарзда тайёрланган алкоголь маҳсулотларининг мавжуд қонунчилик талабларига мос ҳолда қадоқланганлиги, шунингдек, уларни тарқатиш ва истеъмол қилишда амалдаги қоидаларга риоя қилинишига ҳеч қандай кафолат мавжуд эмас.

Республикамиз божхоначилари томонидан алкоголь маҳсулотларининг божхона чегаралари орқали ноқонуний олиб ўтилишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар давом эттирилмоқда.

Яқинда Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг "Келес" темир йўл чегара божхона пости ходимлари томонидан "Нукус — Алма-ата" йўловчи поездини божхона назоратидан ўтказиш чоғида қўшни давлат фуқароси Ж.Жуманов (мақоладаги барча исм-шарифлар ўзгартирилган) томонидан божхона баённомасида кўрсатилмаган ва оғзаки сўровда маълум қилинмаган қиймати салкам 2 млн. сўмлик 60 литр ҳажмдаги 120 дона спиртли ичимликларни яширин равишда олиб ўтишга уринган фош бўлди.

Шунингдек, "Бошпочтампт" божхона пости ходимлари Италиядан фуқаро Д.Авдеев номига юборилган почта жўнатмасини амалдаги тартибларга мувофиқ божхона кўригидан ўтказишганда, жўнатмадаги буюмлар орасида қиймати салкам 5,5 млн. сўмлик 24 литр ҳажмдаги 32 дона вино борлиги аниқланди.

"Тошкент-Аэро" ихтисослаштирилган божхона комплекси ходимлари томонидан ҳам ҳаво йўллари орқали алкоголли ичимликларнинг ноқонуний равишда олиб кирилишига оид божхона қоидабузарликлари фош этилди.

Жумладан, "Сеул — Тошкент" рейси бўйича парвозини якунлаган йўловчи Р.Ҳамдамовага тегишли йўл сумкаси божхона кўригидан ўтказилганида, ушбу аёл йўловчи божхона декларациясида кўрсатмаган ва божхона ходимининг оғзаки сўрови пайтида маълум қилмаган салкам 90 литр ҳажмдаги 139 дона соддиқ алкоголли ичимликларини яширин равишда олиб киришга урингани аниқланди.

Нью-Йоркдан учиб келган йўловчи Д.Жўракулов ҳам божхоначиларнинг кўзини шамғалат қилишга уриниб, 7 турдаги 13 шиша алкоголли ичимликларни олиб киришга уринган пайтда тўхтатиб қолинди.

Эслатиб ўтамиз, жисмоний шахслар томонидан товарларни акциз солиғи тўламасдан республикамизга олиб кириш меъёрларига мувофиқ фақат 2 литргача бўлган барча турдаги алкоголь маҳсулотларини республикамизга бемалол олиб киришга рухсат этилади.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 186^1-моддасига биноан этил спиртли, алкоголли ва тамаки маҳсулотларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритиш анча миқдорда ёхуд шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Таъкидлаш жоизки, ўтган 2015 йил давомида республикамиз божхоначиларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда олиб борган чора-тадбирлари натижасида аниқланган 66 та қонунбузарлик ҳолатларида қиймати салкам 110 млн. сўмлик 3 минг литрдан ортиқ спирт ва алкоголли маҳсулотларнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилган.

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Давлат божхона қўмитаси Ахборот хизмати

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар Учтепа туман аҳолиси ва тадбиркорлари диққатига!

Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Учтепа туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда 2016 йил 19 февраль куни Учтепа туман фуқаро ва тадбиркорларининг қабулини режалаштирганлигини маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раисининг биринчи ўринбосари	2016 йил 19 февраль соат 10.00 дан 13.00 га қадар
Марказий банк Тошкент шаҳар Бош бошқармаси бошлиғи	2016 йил 19 февраль соат 10.00 дан 13.00 га қадар

Мазкур қабулда иштирок этиш истагини билдирган фуқаролар ва тадбиркорлар 2016 йил 18 февраль соат 14.00 га қадар 212-61-87 телефони орқали қабулга ёзилишлари мумкин.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида ***17 февраль*** *куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 0-2 даража совуқ, кундузи — 8-10 даража иссиқ бўлади.*

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, ***17 февралда*** *Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9224
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 255
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 13042 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топширилди: 14.10
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ